



24.01.2022 даги

О'ЗК Milliy gvardiyasi Toshkent shahar qo'riqlash boshqarmasi ва Узбекистон Республикаси Алкогол ва  
тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги ўртасида 510743040,00  
сўм умумий суммага тузилган 14379-М - сонли шартномага  
**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб

336

Шахсий ғазна хисобварак

302710860262777042128336002

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4293000			
Январь	43 378 176,00			43 378 176,00
Февраль	39 180 288,00			39 180 288,00
Март	43 378 176,00			43 378 176,00
Апрель	41 978 880,00			41 978 880,00
Май	43 378 176,00			43 378 176,00
Июнь	41 978 880,00			41 978 880,00
Июль	43 378 176,00			43 378 176,00
Август	43 378 176,00			43 378 176,00
Сентябрь	41 978 880,00			41 978 880,00
Октябрь	43 378 176,00			43 378 176,00
Ноябрь	41 978 880,00			41 978 880,00
Декабрь	43 378 176,00			43 378 176,00
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>510 743 040,00</b>			<b>510 743 040,00</b>

Жами 510743040,00 сўм

Беш юз ўн миллион етти юз қирқ уч минг қирқ сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_ % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20 20 январ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\* ) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равища товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

М.У.

Буюртмачи бўш бухгалтери

R. Bo J

(имзо)

Бобоев Р. М.

Ф.И.Ш.

Каримкулов Ш. Р.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

# Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

## ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

14379.4-сон

“24” январ 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) Низом асосида фаолият юритувчи бир томондан Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш Агентлиги директори Р.М.Бобоев Низом асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар”деб юритилади), мазкур Шартномани кўйидагилар хақида туздилар:

### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур тумани Қўриқлаш бўлими З-отряд саф бўлинмаси хизмати оркали 1 та 24 соатлик (соат 09-00 дан 09-00 гача, дам олиш кунларисиз) қўриқлаш пости билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси 6-йда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш Агентлиги (кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласи.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқкан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 1 (бир) иш куни ичидаги саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга қўйилади..


8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда кўйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати 2022 йилнинг 12 ойига (январь ойидан декабрь ойининг охирига қадар) 510 743 040,00 (Беш юз ўн миллион етти юз кирк уч минг кирк сум) (кўшимча қиймат солигисиз) сўмни ташкил этади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳуҗжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.



**11. Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи** микдорида амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, **ойлик тўловни 100 фоизи микдорида** тўловни кейинги ойнинг бошланишидан **10 кун** олдин амалга оширади.

**12. Хўжалик юритувчи субъект хисобланган** Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта хисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### **4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**13. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг хар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида етказилган зарарни ундириш.

#### **14. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланган 20 22 йил “17” иювар даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига караб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турниket, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсифидан 5 метр узоклика (объект жойлашувини хисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқукини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳакида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 3 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик

ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сүнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган хар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин маёнбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл кўймаслик;

кўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлгандан зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульта рақамларини ошкор қиласлик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид кисми билан танишириш;

#### **15. Ижрочининг хукуклари:**

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### **16. Ижрочининг мажбуриятлари:**

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланадиган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;


объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганини аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакиришиш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;



объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш қўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини қўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабарининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар қўриш учун бериш;

қўриқланадиган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган заар тўғрисида Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур тумани Кўриқлаш бўлими навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Тошкент шахар Кўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур тумани Кўриқлаш бўлими вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида қўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада қўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заар етказилганлиги аниқланган ҳолларда заар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган заарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган такдирда заар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайди:

ижрочи шартномада қўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига карамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.


23. Мазкур Шартномада қўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада қўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### **6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгид бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.



**26.** Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимиirlashi ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

**27.** Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

### **8-боб. Якуний қоидалар**

**28.** Мазкур Шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киритилган деб хисобланади.

**29.** Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

**30.** Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб жорий йилнинг **31 декабрь** куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 (ўттиз) кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган хисобланади.

**31.** Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

**32.** Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.


**33.** Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

**34.** Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 (олтиш) кун олдин ёзма равишида маълум қиласи.

**35.** Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

**36.** Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишига ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қilmайдi.

**37.** Ушбу шартнома 2022 йил 01 январь кунидан кучга киради ва 2021 йил “12” январь кунидаги 14379-М-сонли шартнома ўз кучини йўқотади



## 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

### Ижорчи

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси

**Юридик манзили:** Тошкент шаҳар

Марказ-4 Қашқар кўчаси 3-уй

**Банк реквизитлари:**

X/p: 21 596 000 300 447 995 001

**МФО:** 00014

**СТИР:** 202 628 856

**ИФУТ:** 97920

Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг  
ХКМ Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар  
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи**

Қ.А.Шодибеков



(имзо, мухр)

### Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки  
бозорини тартибга солиш хамда виночиликни  
ривожлантириш Агентлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALKOGOL VA  
TAMAKI BOZORINI TARTIBGA SOLISH HAMDA  
VINOCHILIKNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI  
100011, Toshkent sh., Shayxontohur tum., Abay ko'chasi, 6-uy.  
Sh/H: 30271086 0262 7770 4212 8336 002  
INN: 306147706 OKED: 84111  
H/R 2340 2000 3001 0000 1010  
MFO: 00014 INN: 201122919  
Toshkent shahar MB TShXKKM

Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки  
бозорини тартибга солиш хамда виночиликни  
ривожлантириш Агентлиги директори

Р.М.Бобоев



(имзо, мухр)

М.Бобоев

00/10/2021.

Стороны правомочны заключать настоящий договор и лица,  
подписывающие настоящий договор, имеют полное на то право.  
Настоящий договор соответствует нормам и требованиям  
законодательства и других нормативно-правовых актов РУз.  
Мера ответственности сторон за неисполнение или  
ненадлежащее исполнение своих обязательств соответствует  
требованиям ГК РУз

Юрисконсульт *М.Бобоев* Думаев К Ч

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI  
TOSHKENT SHAHAR OQIRIOLASH BOSHQARMASI  
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI  
20 \_\_\_\_ yili « \_\_\_\_ »  
RAGAN  
QAYD ETILDI *М.Бобоев*  
IMZO

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Ташкент шаҳар Қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи

К.А.Шодабеков



**«РОЗИМАН»**

Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва  
тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда  
виночиликни ривожлантириш Агентлиги

Р.М.Бобоев



Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни  
ривожлантириш Агентлиги биноси қўриқловига жалб этилган Шайхонтоҳур туман қўриқлаш  
бўлими З-отряд шахсий таркибини моддий таъминлаш учун 2022 йил 01 январдан бошлаб тузилган

**ҲИСОБ – ВАРАҚАСИ**

Қўриқлаш ойлари	Пост сони	Қўриқлаш вақти ва шартли белги	Бир ойлик қўриқлаш вакти	қўриқлаш пост/соат нархи	Сумма
Январь	1	24	744	58 304	43 378 176
Февраль	1	24	672	58 304	39 180 288
Март	1	24	744	58 304	43 378 176
Апрель	1	24	720	58 304	41 978 880
Май	1	24	744	58 304	43 378 176
Июнь	1	24	720	58 304	41 978 880
Июль	1	24	744	58 304	43 378 176
Август	1	24	744	58 304	43 378 176
Сентябрь	1	24	720	58 304	41 978 880
Октябрь	1	24	744	58 304	43 378 176
Ноябрь	1	24	720	58 304	41 978 880
Декабрь	1	24	744	58 304	43 378 176
<b>Жами</b>			<b>8760</b>		<b>510 743 040</b>

**ЖАМИ:**

Беш юз ўн миллион етти юз қирқ уч минг қирқ сўм, 00 тийин

Ташкент шаҳар Қўриқлаш  
бошқармаси МИБ бошлиғи

Н.Н.Рузибаев